

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Зарафшон магистрал тизимидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**



А.З.Каримкулов

**Самарканд вилояти Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси
тасарруфидаги Дарғом Эски Анхор тизимига қарашли Дарғом каналининг
“ ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд
тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосасига
асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи
Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ**

Самарканд 2022-йил

I Боб. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармасининг харажатлар сметасида ажратилган, Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом Эски Анхор тизимига қарашли Дарғом каналининг “ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа–смета хужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш учун ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматларнинг максимал нархи: 291 093 191 сўм. *(Ушбу нарх лойиҳа-смета хужжатлари ва 2022 йил 01 ноябрдаги №68078-сонли экспертиза хулосаси асосида белгиланди.)*

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

2. Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармасининг харажатлар сметасида ажратилган, Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом Эски Анхор тизимига қарашли Дарғом каналининг “ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа–смета хужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов хужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Самарканд вилояти Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси;

Манзили: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳри Гагарин кучаси 70- уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Бош ҳисобчи Жозилов Исрофил;

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказди;
- танлов талабгорларига талукли барча хужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг танлов хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг etender.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- корхонанинг штатлар бирилигида автоматлаштириш ва рақамлаштириш ишларини бажарувчи малака эга дастурчи ходим бўлиши шарт.
- Танлов қатнашувчилари томонидан сув ҳўжалиги объектларининг гидротехника ишоотларини бошқарувини автоматлаштириш ишлари бўйича олдин ҳам ушбу ишларни амалга оширилган бўлиши ва бу тўғрисида малакавий маълумотлар тақдим этилиши шарт.
- Танлов қатнашувчиларининг моддий харажатлар техник базаси, иш бажариш давомийлигида узулишлар ва бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган маблағ билан боғлиқ бўлган барча камчиликларни олдини олиш мақсадида, ишни бажариш учун таклиф этилаётган хизматларнинг максимал нархида 2 ёки 3 баробар юқори бўлиши шарт.
- Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни **йўлланма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлов таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

- 5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

- Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлов иштирокчилари томонидан энг паст нарх тақдим қилинишида техник топшириқда кўрсатиб ўтилган талабларнинг мавжудлиги инобатга олинади.

- Техник топшириқда Юкоридаги талаблар бажарилмаган тақдирда паст нархда хизмат кўрсатиш иштирокчиларга ғолиб деб боҳалаш имкониятини бермайди.

- Конкурс иштирокчиси 1-20 гача бўлган балл қўйиш билан боҳоланади ва юкори балл тўплаган давогар танлов ғолиби ҳисобланади.

Захирадаги қатнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича қилишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансбдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: бошқарма тасарруфидаги Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом Эски Анхор тизимига қарашли Дарғом каналининг “ ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа–смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш учун Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: шартнома имзоланган вақтдан бошлаб __ __ 2022 йилгача.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармасига ажратилган СМЕТА МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.


1.6. Хизмат кўрсатувчи ташкилот лойиҳа-смета ҳужжати Дарғом каналнинг “ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш учун хизмат қилади ҳамда жорий этилишга асос бўлади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Бош ҳисобчи

**Сув ресурслари ва гидрометрия
шўбаси бошлиғи**

 А.Салимов

 И.Жоziлов

 Ф.Юлдошев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Зарафшон магистрал тизимидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи**

А.З.Каримкулов



ТЕХНИК ТОПШИРИК

Илмий тадқиқот ишининг мавзуси: Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом Эски Анхор тизимига қарашли Дарғом каналининг “ ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа–смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаси асосида сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сонли қарори ижросини таъминлаш орқали гидроузелларда Автоматлаштириш тизимига босқичма-босқич ўтиш.

Ишнинг мақсади: Дарғом каналининг “ ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа–смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш.

Ишнинг вазифалари:

- қурилиш монтаж ва ишга тушириш ишларини мавжуд бўлган гидротехник иншоотга ўрнатиш ишларини бажариш;
- гидротехник иншоот дарвозаси ҳолатини кўрсатувчи, дарвозани автоматик очиш-ёпиш ишларини бажарувчи қурилма ва қулай дастурий таъминотни жорий этиш;

- мавжуд кўзлган объектга барча қурилиш монтаж ва ишга тушириш ишлари ишлаш режимига таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга ошириш;

- гидротехник иншоотнинг ҳолатини доимо назорат қилиб бориш уларни диспетчерлик хизмати орқали бошқариш ва иншоотнинг сув чиқариш хажмини ҳисоб-китоб қилиб архивлаш сақлаш ишларини жорий қилиш.

Иншоотда автоматлаштириш тизимини жорий этиш ишини амалга оширишдан кутилаётган натижалар: Дарғом каналининг “ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотида Автоматлаштириш тизимини яратилиш орқали сув ресурслари бошқариш автоматик тарзда амалга оширилади.

Каналанинг ПК633+40 даги Сув тўсувчи иншоотда Автоматлаштириш тизими яратилиш орқали гидротехник иншоотнинг ҳолатини дойимий назорат қилиб бориш уларни диспетчерлик хизмати орқали бошқарилиб, сув чиқариш хажмини ҳисоб китоб қилиш имконини беради.

Шунингдек Сув тўсувчи гидротехник иншоотнинг дарвозалари автоматик равишда очиш-ёпиш ишларини бажарувчи қурулма ва дастурий таъминоти билан таъминланади.

Илмий-тадқиқот иши жорий қилинадиган объект:

Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги Дарғом каналининг “ПК633+40” даги Сув тўсувчи гидротехник иншоотининг мавжуд тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаси асосида сув ресурсларини бошқаришни назорат қилувчи Автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва ишга тушириш.

Бошқарма бошлиғи 1-ўринбосари

А.Салимов

Сув ресурслари ва гидрометрия шўбаси бошлиғи

Ф.Юлдошев